

ШАРТНОМА №15

(товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

“19” октябрь 2022 йил

Фарғона шаҳар

ТАТУ Фарғона филиал директори А.М.Расулов

(Хужалик юритувчи субъект ФИШ)

Бундан буён бир томонидан “Буюртмачи” деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томонидан

YATT YUSUF MUKAMMALXON DONIYOR QIZI

(Хужалик юритувчи субъект ФИШ)

Низоми асосида иш юритувчи бундан буён “Ижрочи” деб юритилади ва қуйдагилар хақида Ушбу шартнома тузилди.

1-ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Ижрочи” ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, “Буюртмачи” эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

2-ШАРТНОМА НАРХИ

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1.	КОМБО қуринишидаги жалюзи пардалари	М2	276,19	182000	50 266 580
	Жами:				

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси Эллик миллион икки юз олти миш олти минг беш юз саксон сум 00 тийин (рақамлар, ёзувлар билан)

3- ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 “Буюртмачи” олдиндан шартнома суммасининг **30%** микдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.
3.2 “Буюртмачи” қолган **70%** тўловни “Ижрочи” томонидан товар ёки мол-мулкни тўлик ётказиб бериб, ҳисоб-фактура тақдим қилгандан сўнг пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

4-ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1 “Ижрочи” мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сўнг товарни 1 ойи ичида “Буюртмачи” га етказиб бериши шарт.

5-ТОВАР СИФАТИ

5.1 Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва “Буюртмачи”нинг талабига мос келиши шарт.

6-ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 “Ижрочи” мажбуриятлари:

-Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Буюртмачи” га товарни етказиб бериш;
-Шартноманинг шартлари “Буюртмачи” томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;
-Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10-кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 2 бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
-“Ижрочи” етказиб берган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитлари расмийлаштириш шарт.

6.2 “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

-“Буюртмачи” шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарларни далолатнома тузиб Ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кегин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 5 кун ичида “Ижрочи” ни огохлантириш.
-Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7-ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек Ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2 “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5 % микдорида “Буюртмачи” га пеня тўлайди, пеня микдори етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларига кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % микдорида жарима тўлайди.

7.4 “Буюртмачи” олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % микдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5 Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

8-ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 8.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, енгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларнинг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.
- 8.2 Тарафлар Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
- 8.3 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1-ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

9- ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 9.1 Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмас Иктисодий суд ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари тартибда ҳал қилинади.
- 9.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатилан илгари бекор қилиш мумкин.
- 9.3 Ушбу шартнома 2022 йил “19” октябрь дан 2022 йил “31” декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик бошқармаси (Бўлим)да рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

10- ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ИЖРОЧИ”

**ҲАТТ ҲУСУФ МУҚАММАЛХОН
ДОНИҲОР ҚИЗИ**

Манзил: Фарғона ш. Комус кучаси 45-уй
Тел/факс: 91 110 55 65
Х/в: 20218000204606988001
Банк номи: Капитал банк Фарғона фил
МФО: 01043
СТИР: 6000219666, 40709774340087

Раҳбар: М.У.Осуф



(Signature)
(имзо) М.У.

“БУЮРТМАЧИ”

ТАТУ Фарғона филиали

Манзил: Фарғона шаҳар Мустақиллик к 185 уй
Тел: 03732268209
Факс: 03732268209
Ҳисоб рақам: 4009 1086 0304 0170 9410 0078 001
СТИР: 205765265
Ягона ғазначилик ҳисоби (ЯҒҲ): 2340200030010001010
МФО: 00014
ИНН: 201122919
ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳар Б.Б

Директор: А.М.Расулов

(имзо)



Ҳуқуқшунос

(Signature)



Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали томонидан 14.10.2022 йил кунги лот №22110012160858-билан жалюзи пардаларини ўрнатиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 2

"19" октябрь 2022 й

Фарғона ш

Харид комиссия раиси
Харид комиссия аъзолари

А.Кадиров

Х.Аррабоев

Б.Полвонов

И.Рустамов

И.Қаххоров

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1 ЯТТ YUSUF MUKAMMALXON DONIYOR QIZI

2 ООО COMBO LUX

3 "F AUTO MAX" ОК


Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОП ҚИЛАДИ:


Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи **ЯТТ YUSUF MUKAMMALXON DONIYOR QIZI** билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.


Комиссия аъзолари:

 И.Қаххоров


 И.Рустамов

 Б.Полвонов

 Х.Аррабоев

 А.Кадиров

Йиғилиш қотиби:

 О.Дададжанов